

O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand viloyati  
Kattaqo'rg'on shahar  
HOKIMI  
QARORI



РЕШЕНИЕ  
ХОКИМА  
города Каттакургана  
Самаркандской области  
Республики Узбекистан

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 у.г. «5» октябрь

№ 767-15

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси куришга рухсат бериш хақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни куришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят хокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан курилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, «Ўзшахарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонасининг 2015 йил 23 июндаги № 1-10/2450 сонли келишув хатини ва баённомасига, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттакўргон шаҳар Шавқий кўчаси 34 уй 28 хонадонда яшовчи фуқаро Суннатова Дилрабо Пулаттошевнани шаҳар хокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Каттакўргон шаҳар хокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўргон шаҳар Шавқий кўчаси 34 уй 28 хонадонда яшовчи фуқаро Суннатова Дилрабо Пулаттошевнага, Шавқий кўчаси атрофида жойлашган, шаҳар хокимлиги захирасида бўлиб, бугунги кунда фойдаланилмай бўш турган 150,0 кв.метр ер майдонида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси куриб атрофида ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. Каттакўргон шаҳар Шавқий кўчаси 34 уй 28 хонадонда яшовчи фуқаро Суннатова Дилрабога белгиланган тартибда келишилган лойиха-смета хужжатлари (кейинги ўринларда курилиш лойихаси деб аталади) асосида куриш учун хужжатларини расмийлаштириш юклатилсин. Ушбу қарор объектни куришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисоблансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон «Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эхтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни куришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят хокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорларида кўрсатилган 1 йил муддат ичида фуқаро Суннатова Дилрабо томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
5. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва курилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда, тасдиқланган лойиха асосида курилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва курилиш бўлими ҳамда Каттакўргон шаҳар «Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр» давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
6. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларни ундириш шаҳар давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар хокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар хокими

Ш.Ж.Рахмонов.